
ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, ЛАФЗИ ҲАЛОЛ БОБОДЕҲҚОНЛАР! АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕҲҚОНЛАРИМИЗНИНГ ПЕШОНА ТЕРИ ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛГАН “ОҚ-ОЛТИН”НИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Туман пахта штаби гуруҳ раҳбари Отабек Раҳмоналиев берган маълумотларга кўра, туманимиз миришкорлари бу йил ўз зиммаларига 16 минг 120 тонна пахта топшириш режасини олган. 77 та отрядга бириктирилган 178 та фермер хўжалиги далаларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Шу кунгача давлатга пахта топшириш режаси 90 фоизга уддаланди. 100 га яқин фермер хўжаликлари режани ортиғи билан бажардилар. “Патилахон”, “Аюповлар”, “Саминжон ота”, “Қутлуғ қадам файз”, “Ҳафизахон-Бонухон” каби фермер хўжаликлари деҳқонлари белгиланган режани 110-120 фоизга етказган ҳолда пешқадамлар сафида бормоқдалар. Хирмонингизга барака, нияти улуғ, лафзи ҳалол, олтин қўлли бободехқонлар! “Бувайда кўзгуси” мухбири.

2020-09-25 12:33:48